



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 1 май, шанба № 72 (1705)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Хаётимизнинг ўзи давлат ва-  
зифасида, лавозим курсида  
ўтирганлар олдида алоҳида та-  
лаб қўймоқда. Давлат хизмати-  
да юрганлардан савлат тўкиб  
ўтириш, мендан кетгунча, эга-  
сига етгунча, деб, юз бераётган  
ҳодисаларга томошабин, куза-  
твчи бўлиш эмас, аввало халқ  
манфаати, юртимиз тинчлиги ва  
осойишталигини сақлаш учун  
куйиб-ёниб яшашни, бу кураш-  
нинг олдинги сафида бўлишни  
талаб қилишга ҳақлимиз.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 30 апрел куни Тошкентда ўз ишнин давом эттирди.**  
**Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.**  
**Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.**

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатларга Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодонат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов тақдим этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамаида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва ҳақда ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари демократиянинг асосий институтларидан бири бўлган кўп партияли тизимни ривожлантириш учун «Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш муҳимлигини таъкидлади. Жамият ҳаётида сийёсий партияларнинг роли орттириб бораётгани тўғрисида мамлакатимиз раҳбари партиялар ишидаги камчиликларни тезда бартараф этиш, бўлажак парламентнинг Қонунчилик палатасига бўлуғуси сайловларни инobatга олиб, партияларнинг фаолиятини кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бунинг учун

қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, Қизилтепа тумани хокими Ш.Набиев, «Ўқимёсанот-лойиҳа» очик акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонунни биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлисининг қатор қўмиталари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессия муҳокамаига тақдим этди. Ушбу қонун қабул қилинди.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси Қотибияти раҳбари Р.Жалиловнинг фуқаролардан тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Парламент Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилланинг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тинглади. Ушбу масала бўйича С.Рашидова мазъуза қилди ва депутатлар муҳокамаида маъқуллади.

Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳ-

бариятининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилди ва маъқуллади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига айрим ўзгаришлар киритди. Б.Мустафоев, Б.Норҳужаев, М.Қутипдиновни комиссия аъзолари этиб сайлади, А.Аҳадовни ва вазифадан озод этди.

Сессия Б.Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси вазифасидан озод этди. М.Абдусаломовни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд раиси лавозимига сайлади ва уни Олий ҳужжалик суди раиси вазифасидан озод этди.

Парламент М.Фанжихоновни Ўзбекистон Республикаси Олий суди судяси этиб сайлади ва И.Мамараймов, Н.Нормуродов, Н.Тўхтовни ҳамда М.Ўқабоевни Олий суд судяси вазифасидан озод этди.

Сессияда М.Ҳасанбоев Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик суди судяси этиб сайланди. Т.Юсупов ва вазифадан озод этилди.

Депутатлар А.Аҳадовни Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси этиб сайлади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишнин якунлади.

## Истиқлол мевалари

### ВАЛЮТА ТУШУМИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизнинг қаттагина қисмини эгаллаган Қорақалпоғистонда еросоти ва ерусти бойликлари бисёр. У ўзининг табиий гази, нефт ва конденсати билан республикамиз ёқилги-энергетика салоҳиятини мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўймоқда.

Шарқий Бердак қони Учсой қўргонидан анча олиб чиқилган. Давлатлараро «Бухоро-Урал» магистрал тизимига уланган бу йирик хом ашё манбаида «Жанубгазуричиш» трестнинг 3- ва 6-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари кучи билан 88 километрни янги қувурлар ўрнатилди.

Газ конденсати қонининг Марказий магистралга улаш-тириш йўқлиги кўпроқ таъминлайди. Қорақалпоқ ва Газ Россия ва Қозғистон давлатларига жўнатилади, республика валюта тушумини янада кўпайтироқда.

«Шарқий Бердак» қонидан бир кеча-кундузда миллионлаб кубометр табиий газ ва ўнлаб тонна конденсат ажратилиб, истеъмолчиларга жўнатиляпти. Қурилмаларнинг тўла қувват билан ишлашида инженер-технолог Одил Фозилев, смена бошлиғи Махсуд Мадидоров, соловчи Азамат Қулбоев, операторлардан Мансур Ориқбоев, Саҳаддин Болтабоев, Дмитрий Жвакинларнинг ҳизмати қатта.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтегаз миллий холдинг компанияси тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбекнефтегазга» ишлабчиқариш акциядорлик жамияти тўқилди. «Устюрт биофизика» акционерлик жамияти ана шу тизимга тасарруфидан. Ўтган йили Устюрт платосидаги Картай ва Қоракум, Оролбўйидаги Жалпақ, Узунқайыр, Судочье нефтгаз манбаларида 2540 пагон километр қидирув қазув ишлари амалга оширилди. 2004 йилда Арман, Жеткиншик, Тойли, Тайлоқ, Чайқудуқдаги қонларни бурғулашга тайёрлаймиз.

Жаҳон бозорига Қорақалпоқ гази талаб қатта.

геофизиклар, қалби она юрт меҳри билан тўлиб-тошган хазина топарлар матонат кўрсатиб ишламқдалар. Ходимлардан 114 нафари олий ва ўрта махсус маълумотли мута-

хассислар, қўчлиги геология-қидирув соҳасида етарли тажрибага эга бўлган маҳаллий кадрлар. Ингирмадан ортиқ ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юрталарида таҳсил олиш-апти.

Эришилган ютуқлар аҳил жамоа меҳнатининг маҳсули. Сейсмологик қидирув гуруҳи раҳбари К.Дарибоев, бўлима бошлиғи Г.Улфетов, геофизик операторлар В.Баравин, М.Сисенбаев, Буғуловчи В.Власов ва А.Ешембетовлар ўзларининг фидойиликлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишляпти.

Устюрт худудидаги Шаҳпахти қониға 2004-2007 йилларда газ қазиб олиш ва янги босимли комплекс станцияси қуриш учун Россия ва Швейцария компаниялари билан ҳамкорликда 15 миллион АКШ долларини миқдорда инвестиция сарфлаш учун янги битим имзоланди.

Хуллас, табиат қийинчи-қиларига кучли ирода, бекиёб жасорат ва мардликларини қарши қўйган Оролбўйи хазинапарлари она ер бойликларини қидириш топиш ва ишга тушириш йўлида тиним билмай меҳнат қилишмоқда.

**Еруслан ЖҮЛДАСОВ,** «Устюрт биофизика» акционерлик жамияти раиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган саноат ходими

## Янгилини жараёнида қасаба уюшмалари ўрни

### ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир ҳодимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоялангани керак. Шундай экан, аксарият ер майдонлари фермер ҳўжаликлари тасарруфига ўтган Сирдарё вилоятида бу жараён қандай кечяпти, деган савол туғулади. Мулк соҳиблари ва қасаба уюшма ўрта-сидда манфаатли ҳамкорлик ўрнатилди? Мухбиримизнинг ағросаноат мамқуна ҳодимлари вилоят қўмитаси раиси Абдурашид Рустамов билан суҳбатга ҳам ана шу ҳусуда бўлди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил январ ойидаги 8-сонли қарори асосида тўртта туман ва 36 та ҳўжалик ерлари фермерларга тақсимланди. Бугунги кунда қарийб 6,5 мингга рўйхатдан ўтган ер соҳиблари бор. Дала ишчиларининг аксарияти улар билан ҳамкорликда ишлашляпти. Янгилини жараёнида қасаба уюшмаларининг ўрни қандай бўляпти?

ташқилот тузишга киришдик. Бунда сонидан қатъи назар барча фермер ҳўжаликлари маҳаллий бошқарув қошидаги қасаба уюшма таркибига қиради. Натижада ошиқча қоғозбозлик, ҳужжатбозлик барҳам топди.

— Қасаба уюшма қўмитаси расмлари сайлови қандай кечяпти?

— Ташқиллаш жоиз, жамоат ташқилотини бошқариш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. У қўчлиққа ўз сўзини ўткази оладиган, оёру-этиборли, айна дамда ҳуқуқий билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун уларни фермерларнинг ўзлари тавсия этишляпти. Масалан, яқинда Ховос туманидаги «Янгиер» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмасида худудий бошланғич қасаба уюшма ташқилотини туздик. Унда иштирок этган фермерлар қасаба уюшма етакчили-гига худудда қатта оёру-этиборга эга бўлган Ислому Аликуловни сайлашди. Қўми-та расисга фуқаролар йиғи-ни биносидан тўлиқ ҳозир-ланган хона ажратилиб, бар-ча шароит яратиб берилди.

79 нафар фермер ишти-рок этган Х.Норчаев номили ҳўжалиққа ҳам сайлов бўли-ўтди. Бу ерда тadbirkorлар бир овоздан Ислому Иbroхи-мовни худудий ташқилот ра-ислигига тавсия этди. Узoқ йиллар ҳўжалиқда ишлаган ол меҳрига тушган бу инсон қўчлиқ ишончини оқлагаша шубҳа йўқ. Шунингдек, Сир-дарё, Сайхунобод, Гулистон туманларидаги қатор фуқаро-лар йиғинлари худудда бу жараён амалга оширилди.

Уйлайманки, қирққа фур-сатларда вилоятдаги барча фуқаролар йиғини худудда ўз бошланғичларимизга эга бўлямиз. Бу эса меҳнатқаш-тар ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уларнинг нуфули ишлаши, дам олиш ва саломатликла-рини муҳофазалашларига кенг имкон яратлади.

— Қишлоқ ҳўжалигидаги ишлотлар ўзининг илк са-варзинини бера бошлады. Бу жараёнинг фаол иштирок-чиси — айна чоғда иждо-кчи фермерлик ҳаракати тўла ўзини оқлагани амалда исо-ботлады. Ер ўз эгаси қўлига ўтган, ҳосилдорликда ҳам, ерларнинг мелiorатив ҳо-латини сақлашда ҳам ўсиш ку-затилади. Мир сўз билан ай-тганда, Бирзаўил воҳаси-нинг келажак фермер экан-лиги ва шу йўл билан деп-синишга барҳам бериш му-мкинлиги амин бўлдык. Бу ташаббус қасаба уюшмалари олдига ҳам гоят долзарб вазифаларни юкляйди. Чун-ки, мулкдор қўлида ишлаёт-ган ишчи-ҳодимларнинг иж-тимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъмин-лашимиз, қонунларда қўзда тутилган имтиёزلардан уларнинг бебавар қилини-шга йўл қўймаймиз деган қарор.

Шу боис фермер ва қаса-ба уюшма ҳамкорлигини таъ-минлашининг бир неча усул-ларини ўргандик. Бу борада қўллаб қувватлар, сўхбатлар ўтказилди. Энг мақбул иш-хатларни қабул қилишга и-нтидик. Негаки, собиқ шир-катлар ўрнида 50 тадан 100-тагача фермер ҳўжаликлари

ташқилот тузишга киришдик. Бунда сонидан қатъи назар барча фермер ҳўжаликлари маҳаллий бошқарув қошидаги қасаба уюшма таркибига қиради. Натижада ошиқча қоғозбозлик, ҳужжатбозлик барҳам топди.

— Қасаба уюшма қўмитаси расмлари сайлови қандай кечяпти?

— Ташқиллаш жоиз, жамоат ташқилотини бошқариш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. У қўчлиққа ўз сўзини ўткази оладиган, оёру-этиборли, айна дамда ҳуқуқий билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун уларни фермерларнинг ўзлари тавсия этишляпти. Масалан, яқинда Ховос туманидаги «Янгиер» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмасида худудий бошланғич қасаба уюшма ташқилотини туздик. Унда иштирок этган фермерлар қасаба уюшма етакчили-гига худудда қатта оёру-этиборга эга бўлган Ислому Аликуловни сайлашди. Қўми-та расисга фуқаролар йиғи-ни биносидан тўлиқ ҳозир-ланган хона ажратилиб, бар-ча шароит яратиб берилди.

79 нафар фермер ишти-рок этган Х.Норчаев номили ҳўжалиққа ҳам сайлов бўли-ўтди. Бу ерда тadbirkorлар бир овоздан Ислому Иbroхи-мовни худудий ташқилот ра-ислигига тавсия этди. Узoқ йиллар ҳўжалиқда ишлаган ол меҳрига тушган бу инсон қўчлиқ ишончини оқлагаша шубҳа йўқ. Шунингдек, Сир-дарё, Сайхунобод, Гулистон туманларидаги қатор фуқаро-лар йиғинлари худудда бу жараён амалга оширилди.

Уйлайманки, қирққа фур-сатларда вилоятдаги барча фуқаролар йиғини худудда ўз бошланғичларимизга эга бўлямиз. Бу эса меҳнатқаш-тар ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уларнинг нуфули ишлаши, дам олиш ва саломатликла-рини муҳофазалашларига кенг имкон яратлади.

**Сўхбатдош:**  
**Ш.ШАМСИЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири**



Жаҳон бозорига Қорақалпоқ гази талаб қатта.

Туманда негадир нақд пул тушумларини ўз вақтида банк муасса-саларига топшириш режалари бажарилмай қолди. Қизик, нақд пул билан ишловчи 1193 та қорхона ва ташқилот, қатта-қатта бешта бозор, ўнлаб умумий оватланиш ва маиший хизмат кўрсатувчи қор-хоналар фаолият кўрсатиб турсаю, нега нақд пул тушумларини чўги-паст? Бунда аввало, мониторинг ишларини кучайтириш, нақд пул тушумларининг банк қасаларига тўлиқ топширилиши устидан на-зорат ўрнатиш ва унинг банкдан ташқари айланishi йўллари аниқ-лаш талаб этиляпти.

Зангиота туман давлат солиқ ин-спекцияси ходимлари гуруҳларга бўлиниб мониторинг ишларини бо-шлаб боришида ва бу ижобий сам-ара берди. «Чигатой оқпага бозори» маъсуляти чекланган жамиятда ку-затув ўтказилмаган қуллари уч ми-ллион сўм атрофида нақд пул тушу-ми банк муассасаларига топшири-ларди ва назорат-қасса машина-лари ҳамма жойда ҳам тўлиқ ишла-маётган эди. Маълум бўлишича, ҳар қуни ўн миллион сўм атрофидаги ту-шум қурилиш материаллари билан савдо қилаётган тadbirkor ва ти-жоратчилар кейин қолиб кетар экан. Кузатувдан бийин сўнгги сўмгача на-зорат-қасса машинасида ўтказила-диган бўлди. Шу босдан бозорда бир қуллик тушум ўн миллион сўмга-ча қўйлади.

«Ҳўжалик моллари ва хўнарман-дар» бозорида ҳам мониторингдан бир кун олдин бу ердаги тушум 1 миллион 739 миғ сўмини ташқил эт-ган бўлса, куннинг эртасига бу қўрастинг 2 миллион 722 миғ сўмга эки 57 фоизга кўтарилди. Шу та-риқа нақд пул билан ишловчи қор-хона ва ташқилотлар бўйлаб ўтган ойларида 481 марта мониторинг ўт-казилиб қўшимча тушум манбалари аниқланди. Шу жараёнда «Хўнобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида мақ-ро-н, «Назарбек», «Узгарий» қишлоқ фуқаролар йиғинларида матрас,

Тахтиатоз шаҳридаги Меҳ-рибонлик уйда ота-она бах-тидан бенабис болажонларга меҳр кўргазиб тарбиялашдек улғу савобга бел болаган фидойи мураббийлар меҳнат қилишмоқда. Улар тарбия-ланувчиларга қалб қўларини башш этиб, жажжи оирақлар-да бахтиёрлик ҳиссини уй-го-тишмоқда. Зеро, гўдак кўзи-дан мунгни юлиб ташлаш ин-сон қимлиги белгисидир.

**Суратда: Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Гулистон Курбонбоева кичкинтой Сайёра билан.**

**Т. ХАМРОҚУЛОВ**  
олган сурат

«Қатортол» қишлоқ фуқаролар йи-ғинида эса турли хил пардозлаш ма-териаллари тайёрловчи цехларнинг яширинча фаолият кўрсатаётганли-ги маълум бўлди.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАНЛАР**

Сохта тadbirkor Ямин Сууюнов Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмо-ний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талабларига зид равишда «Хўжалик моллари ва хўнарманлар» бозорига ҳужжатсиз 14 турдаги 413,5 миғ сўмлик чет эл товарларини сотувга чиқарган пайтда фаолияти тўхтатилди. Унинг ёнида савдо қилаётган Салима Бек-нозова ҳам 12 турдаги 384,8 миғ сўмлик ноқонуний товар моддий бойликлар билан савдо қилаётган пайтда қўлга тушди. Бундай қим-салар солиқ тўлашдан бийин төвлә-либ, бюджетга бир сўм ҳам хисса қўшишмайди, яна уларнинг «тад-биркор» деб аташганлигига нима дейсиз.

Афсуски, сохта тadbirkorлар фа-қат Зангиота туманида эмас, балки

**БИР ҚИШЛОҚ ЧЕВАРЛАРИ**

Сайхунобод тумани Бирлашган қишлоғида Жумағул Саидова раҳбарлик қилаётган «Жавоҳир» хусусий тикувчи-лик қорхонасида иш икки сменда ташқил қилинган. Қор-хона ишчилари маҳаллий қолғаж ўқувчилари учун махсус кийим тикмоқда.

Тadbirkor қаровсиз қолган бинони таямирлаш, уску-налар билан жиҳозлаш учун қатта маблағ сарфлади. Ҳозир қорхонадан ўндан ортиқ тикувчи ва бичувчи меҳнат қил-моқда. Улар буюртма асосида аёллар ва эркеклар кўйлак-лари, қостомлар, ўқувчилар учун мактаб кийимларни тик-моқда.

— Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятидаман, — дейди Ж.Саидова. — Бунинг учун имконият бор, нафақат ўзимиз-нинг, балки қўшни қишлоқда истиқомат қилганда хотин-қизлар ҳам қорхонамизда ишлаш истагини билдирмоқда.

**«Ишонч» фoш этади**

бошқа жойларда ҳам учраб туриб-ди. Яқинда Акмал Икромов туман давлат солиқ инспекцияси ходим-лари Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-қасса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида»ги қарори талабларининг бажарилиши юзасидан «Карвон бo-зири» 1-лавильон 17-дўканда қoс-қомдатли текшириш ўтказди. Ушбу ҳолатда хусусий тadbirkor О.Тур-диев 1800 сўмга НКМдан чек уриб бермаганини ҳамда хотирасига 1 миллион 22 миғ сўм киритмаган-лиги, ҳеч қандай ҳужжатсиз 14 тур-даги 3 миллион 493 миғ сўмлик қандолат маҳсулотларини, 633 миғ 600 сўмлик пахта ёғи, 891 миғ сўмлик гугурт ва совун маҳсулотла-рини савдога чиқарганлиги маълум бўлди.

Учар тadbirkor ноқонуний хат-ти-харакатлари учун илгари ҳам бир маротаба молиявий жаримага тор-тилган экан. Урганган қўнғил ўртан-са қўймас деганларидек яна эгри йўллар билан мўмай пул тоғлаш ре-жасини қилдию, бирок амалга ош-мади. Бир йил давомида тақорван ҳуқуқбузарликка йўл қўйганлиги учун энди унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Андиқон вилоя-ти Қорасув шаҳридаги «Mavsin Лук»

маъсуляти чекланган жамият раҳ-бари Шавкат Ўринбоев ҳам қонунга чат бeрмoқчи бўлди. У 42 миллион 395 миғ 100 сўмлик товар маҳсу-лотларини нақд пулга сотиб, пулни банкга топширмаган, бу билан солиқлар ва тўловлар бўйича давлат бюджетига 894 миғ 200 сўм зарар етказган эди.

Банк муассасаларида ишчиларга иш ҳақи, пенсионерларга пенсия, но-гиронларга нафақа тўлашда муайян қийинчилик юзага келган ҳозирги пайтда бир киши 42 миллион сўмини яширса, юртдошлари билан баҳам кўрмаса, бундай одамларни қим деб аташ керак? Ҳуқуқбузарларни инсоф ва динёнатга чақирмаган, ҳалол тadbirkorлик билан шуғуллинишга дaъ-ват етказиш. Барийбор, бу гаплар қим-ларинингир ўш қулгонидан қириб чап қулгондан қиқиб кетаяпти. Булмаса, Тўртқўл туманидаги «Аваз-Урин» кўп тармоқли фирма раҳбари Х.Қўшнар-заров билан тўриб 85 миллион 546 миғ сўм савдо пулини банкка топ-ширмай бошқа мақсадларга сарф-лаб юбормасди.

Термиз шаҳар давлат солиқ ин-спекцияси ходимлари ҳам шунга ўхшаш ҳолатни фoш етдилар. Улар «Рисолатбону» хусусий фирмасида қисқа муддатли текширув ўтказиш-ганида дўкон сотувчиси Б.Дадабоев ва савдодан тушган 3 миллион 669 миғ 900 сўм тушумини НКМга қирим қилмаганини, дўконнинг орқасидан қатта миқдорда ноқонуний даромад олиб келганлиги маълум бўлди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жи-ноят иши қўзғатилиб тергов ҳара-катлари олиб бeрилмоқда.

**Ж.НОСИРОВ**





# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Икки ошна машинада соатига 150 какирим тезликда кетяпти.

— Гилдирак чиқиб кетса, ахволимиз нима бўлади?

— Хавотир бўлма, менда яна битта эҳтиёт гилдирак бор.

### КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗАЯДИ

Жиннихонада ёғочдан девор ўрнатиб, сариққа бўяб қўйишган экан, жиннилар деворни ёб қўйишпти. Янгисини ўрнатиб, қизилга бўяб қўйишпти. Уни ҳам ёб қўйишпти. Учинчи гал деворни зангори рангга бўяшпти. Қарашса, ҳамма жиннилар девор ёнида тизилиб ўтиришганмиш.

— Ха, нега ўтирибсизлар?

— Ёр экан, пишишни кутяптимиз...

Бир эрак икки қўлида шиша кутариб кетяпти. Рўпарасидан ошнаси чиқиб қолди:

— Ха, йўл бўлсин? Шиша тоширганими?

— Йўқ, хотиним билан уришиб қолдим. «Бор-йўлгини олгин-у, кўзимдан йўқол!» деб хайдаб чиқарди.

Судда:

— Ёлгон гувоҳлик берсангиз нима бўлишини биласизми?

— Ха, биламан. Менга «Волга» ваъда қилишган.

Бир овчи дўстлари даврасида ўзининг зур мерганлигини айтиб, мактанибди. Шу пайт ўрдак учиб ўтибди:

— Мана, каранглар, ҳозир нима бўлади?

Овчи отипти, ўрдак учиб кетаверипти.

— О дўстларим, сизлар чинакам мўъжизани қўриб турибсизлар — ўлик ўрдак учиб кетяпти.

Кўчада бир маст йўловчидан сўради:

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, кўчанинг у бети қаерда?

Одамлар унга кўрсатишди...

— Таваб! Жинни бўлганим бу одамлар. Ҳозиргина бу томонни кўрсатишувди.

Уртамиёна бир расом дала-ҳовли қурпиди, ички пардозлаш ишлари олдидадан бир ўртоғига маслаҳат қилипти:

— Нима дейсан, деворларини бўяб қўя қолсаммикин ё уларга суврат ишласаммикин?

— Яхшиси, аввал суврат ишлаб, устидан бўяб қўяқол.

## Касаба уюшма тадбири

### АНДИЖОН ПОЛВОНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Энг оммавий жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари ўз фаолиятида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Ҳар йили касаба уюшмалари ташаббуси ўнлаб мусобақалар, спартакиада ва турнирлар зур муваффақият билан ўтказилмоқда. Бу ўз навбатида, меҳнатқашлар ўртасида оммавийликни таъминлаш, оилавий спортни ривожлантириш, қолаверса, маҳоратли спортчиларни тарбиялашга муҳим ҳисса бўлиб кўшилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши соврини учун ўтказилаётган миллий ва белбоғли кураш беллашувлари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. Мусобақанинг туман ва вилоят босқичларида юзлаб ҳаваскор полвонлар — турли соҳа ходимлари ўзаро беллашдилар. Мазкур беллашувлар нихоятда мurosасиз ва қизгин баҳсларга айланди. Энди Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг энг сара полвонлари мусобақанинг республика босқичида бел олишди.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Андижон вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши ҳамда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан ташкил этилаётган ушбу нуфузли мусобақа 5-6 май кунлари Андижон шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида бўлиб ўтди. Мусобақа давомида полвонлар етти вазн (60, 66, 73, 81, 90, 100 ва 100 килограммдан юқори) тоифасида гиламга чиқадилар. Турнирнинг дастлабки босқич баҳслари 5 май, финал мусобақалари эса 6 май кунлари ташкил этилди.

Ҳалиларга бош соврин ва қимматбахо эсдалик совгалари топширилади.

## “ШОЙИ ВА ЗИРАВОРЛАР”

Бухоро шаҳрида май ойининг бошларида “Шойи ва зираворлар” халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Италия ҳамда АКШлик хунармандлар иштирок этадилар.

Мазкур фестивал ташкилотчиларидан бири, “Салом Тревел” туристик фирмаси директори Раиса Гарееванинг “Туркистон-пресс” муҳбирига маълум қилишича, тадбирнинг биринчи кунини Лаби ҳовуз майдонида хунармандлар бозори очилди. Окшом пайти эса Пойи Калон меъморий мажмуидан бошлаб мактаб ўқувчилари, кўғирчоқ театрлари, фольклор жамоаларининг “Кувноқ карвон” деб номланган юриши бошланади. Сунгра эса Бухоро эстрадаси юлдузлари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Бухоро ижодий суратқашлик маркази “Қадимги шаҳар қиёфаси” деб номланган катта кўргазмани ташкил қилади.

— Фестивалнинг иккинчи кунини эса ўзбек палови байрами бўлиб ўтди. Майдонда фольклор гуруҳлари ва ҳаваскор ижодий жамоаларнинг чиқиши кўтилмоқда. Нодира Девонбеги мадрасасида Бухоронинг “Овация”, Самарқанднинг “Ойша” модлар театралари ҳамда “Нарғиз” санъат галереси иштирок этадилар, — деди Р.Гареева.

“Туркистон-пресс”



Кўқон шаҳридаги Юсуф Отабеков номли тиббиёт коллежи республика мида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган илм даргоҳларидандир. Айти пайтда коллежда уч минг нафардан ортиқ ёшлар тиббиётнинг беш хил мутахассислиги бўйича тахсил олмақдалар. Ҳар йили коллежни битириб чиқаётган ўғил-қизлар ҳамюртларимиз саломатлигини муҳофаза этишдек хайр-ли юмушга камарбаста бўлмоқдалар. Коллеж директори Замирахон Охунованинг ташкилотчилиги ва шогирдларига, умуман, инсонларга меҳр-оқибати алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

**Суратда: Замирахон Охунова талабалар билан.**

Д.ТОҲИРОВ олган сурат

## «САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИ

Меҳнатқашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борда Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Чунинчи, кўмита ташаббуси билан ҳар йили пойтахт олий ўқув юртлиари профессор-ўқитувчилари ўртасида «Саломатлик» спартакиадасини ўтказиш яхши анъанага айланган.

Бу йилги беллашувлар 22-30 апрел кунлари Ўзбекистон Миллий университети ўйингоҳларида бўлиб ўтди. Мусобақа катнашчилари спортнинг олти тури — мини футбол, волейбол, стритбол, шохмот, стол тенниси ҳамда оилавий беллашувлар бўйича баҳс олиб боришди.

Мусобақа мини футбол ўйинлари билан бошланди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, энг оммавий спорт тури бўйича ўтказилган учрашувлар кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, жамоалар таркибида ўқитувчи-ҳодимлардан ташқари кафедра мудирлари, проректорларнинг тўп сурганлиги ўйинларга алоҳида жозиба бахш этди.

Жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб борди. Гуруҳ учрашувларида Тошкент Давлат жаҳон тиллари ҳамда Тошкент

Давлат иқтисодиёт университетлари, Шарқшунослик ва Юридик институтлари жамоалари ва мезбонлар мусобақага пухта тайёргарлик кўрганлигини намойиш этди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи финал учрашуви гоятда қизгин, мurosасиз, шу билан бирга дўстона тарзда ўтди. Тошкент Давлат жаҳон тиллари ҳамда иқтисодиёт университетлари жамоалари иштирокидаги ушбу баҳсда жаҳон тиллари олийгоҳи профессор-ўқитувчиларининг қўли бадал келди. Учинчи ўрин эса Шарқшунослик институтини жамоасига насиб этди.

Спартакиада мусобақаларига қизиқиш ходимлар ўртасида тобора ошиб бораётганлиги қувонarli холдир, — деди Тошкент шаҳар тармоқ ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Т.Акрамова. — Бу йилги беллашувларда пойтахтимиздаги тармоққа



**К. ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» муҳбири И. ХАСАНОВ олган суратлар**

## Турфа олам

### МАХСУС МИНОРА СОАТИ

Жанубий Кореяда оиланинг ўсишини тартиблаштириш уюшмасининг ташаббуси билан махсус минора соати барпо этилган бўлиб, у фақат вақтингина кўрсатиб қолмай, балки мамлакат нуфузига қиёр сўнгги маълумотлардан ҳам мунтазам хабардор қолиб туради.

Бундай минора соатларидан бир нечаси мавжуд. Агар соат лавҳасидаги рақамни назарда тутадиган бўлсак, мамлакат аҳолиси сони қанча эканлиги маълум бўлади.

### ҚАЙТА ТУГИЛИШ

Игна билан даволовчилар жаҳон уюшмасининг таъсис мажлиси бўлди. Тўғри, бундай муолажа усуллари милонинг VI-IX асрларидаёқ ишлаб чиқилган.

Шарқ табобатининг ушбу ўзига хос жабҳаси том маънода қайта туғилди ва тез орада дунёга машҳур бўлиб кетди.

Эндиликда игна билан даволаш муолажаси сифатида расман 120 мамлакатда қўлланиляпти.

### БАҲАЙБАТ КАЛТАКЕСАК

Инглиз олимлари Янги Гвинеянинг жанубидаги ботқоқликлардан ер юзида ҳанузгача ҳеч ерда учрамайдиган энг йирик калтакесак топишди. Унинг узунлиги қарийб 5,5 метр келади.

Маҳаллий аҳоли уни аждаҳо деб атади. Овозларга қараганда, бу махлук одамхўр эмиш. Бу жойдан олимлар кўзлари йўқ баҳайбат илон ҳам топишди.

Унинг танаси одатдаги тангалар билан эмас, балки дағал сўгаллар билан қопланган.

### ҚЎЛБОЛА ЗАНГ

Болгария мутахассислари металлларни коррозиядан сақлашнинг янги усулини ишлаб чиқишди. Бу усулга қўра, металлни атайлаб занглаштириш кўзда тутиб, унга махсус қотишмадан юққа қаваат туширилади.

Тажрибадан аниқланишича, бундай қўлбола занг металл конструкцияларда коррозия пайдо бўлишига йўл қўймайди, уни, ҳатто бўяшнинг ҳам ҳолати қолмайди.

### ҒОЯТ ЧИДАМЛИ ДАРАХТ

Кедр дарахти ўстиришга ўрмоншунослар катта эътибор бериб келишмоқда. Гап шундаки, бу дарахт нихоятда хушманзара шаклга эга, ташки муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли.

Таркибида хушбўй модда бўлувчи ёғоч ишлашга қулай, чирмайдми. Бунга далил сифатида шундай мисолни келтириш мумкин. Тунисдаги маъдий порти яқинида сув остида 200 йилча ётган кема топилиди. Кема кедрдан ясалган эди. Ёғочлар жуда яхши сақланибди.

Қашмирдаги қарийб 500 йилдан буён бешикаст турган Шох Ҳамадон маҷитининг устунлари ҳимолай кедри ёғочидан ясалган экан.

Нима учун қарағай навларини ҳам кедр дейишади? Бунинг сабаби айрим игнабаргиллар тури ташки кўринишидан кедрга ўхшашлигидир.

Ҳақиқий «кедр» номи бундан икки юз йил муқаддам адабиётларга кирган. Халқ орасида Сибирь ва Корея қарағайлари ҳали ҳам кедр деб юритилади.

### ҚАДИМДАН МАЪЛУМ

Юз минг йиллар илгари яшаган ибтидоий одамлар ҳам бизнинг давримиздаги касалликлар билан оғриган экан. Франциянинг Тулуза шаҳрида ўтган антропологларнинг халқаро анжуманида шундай хулосага келинди.

Қазишмалар пайтида топилган суякларнинг ҳар томонлама илмий таҳлили қадимги аждодларимиз ҳам бўғим яллиғлиниши ва бод билан касалланганини, умуртқа поғонаси ва бел оғриғидан азоб чекашлиқларини кўрсатди.

Ҳали пойфазал кийиш расм бўлмаганлигига қарамай, уларнинг оёғи қадоқдан озор чеккан. Ов пайтидаги суяк синишлари камдан-кам қузатилган.

### СПОРТЧИЛАРНИНГ ҚАЛАМ ҲАҚИ

Калифорния университетининг ходими Дэвид Янг қадимда спортчиларнинг қалам ҳақлари қанча миқдордалиги билан тўлиқ танишиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бунга эришди ҳам.

У кўпгина тарихий манбаларни ўрганиб чиқиб, Қадимги Римдаги спорт «юлдуз»ларининг бир йилги даромади ҳозирги пул билан ҳисоблаганда 170000 доллар атрофида бўлганлигини аниқлади.

А.АЛИЕВ

## Ўқинг, қизик ТАСОДИФМИ Ё...

Инглиз фўқаролари ўн етти ёшли эгизак Жонатон ва Жейсон Флойд бундан бир неча йил аввал деярли бир вақтда кўричак билан оғришди. Жарроҳлик столига дастлаб Жонатон ётган бўлса, орадан роппа-роса 24 соат ўтгач, шу вақтда Жейсон ҳам кўричакдан операция қилинди.

Қарангки, эгизак бўлганидан табиат бу соҳада ҳам биридан-бирини «камситмабди».

Швециянинг Гетеборг шаҳридаги Карлсонлар оиласида гаройиб анъана бор — уларнинг тўртинчи авлод фарзандлари ҳам бир кунда — саккизинчи октябрда туғилди. Туғилишлар 1883, 1912, 1947, ва 1985 йилларда бўлган.

## ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРД

Физилжон ОРИНОВ тузди.

Цирк артисти, қизилчи.

Китъалар чеграсидоғи тоғ. Швейрият.

Амалнинг белгиси. Қомпас ваташи.

Мангулик. Ризак, насба. Физик зарра.

Баянд бини. Отанинг ораси.

Ўзбек халқ мактаби. Инсон фазилати.

Иппик газлама. Цирк сахтаси.

Қадимий ёзув ашжоми. Абеллар нашири.

Араб харфи. Эзулик кутуви.

Ўзбек музғот шоири. Миллат.

Нафис нарса. Созанди.

Миллий нов. Буй. Илши.

Ишора. Ўзбек уруғларидан бири.

Камеб жонивор. Харбий техника.

«Гидло» қуш. Мўйнали жонивор.

Ўзбекистон Қадимий санъаткор. Сузуруқини. Энг катта арини ора. Мағиллистон чўли. От гуси. Шайоқ. Эришак исми. Россиядаги кўл. Фурсет. Кўл юли. Азаллий кўшиқ. Халқ мактаби. Қомпас актёр. Буюм қоллини. У зум нави. Халпирот. Миссофа. Эришак исми. Шарғнома. Вазалиянинг пилар. Мелла влораси. Муваққат нарса. Автомобиль маркаси. Аёл исми. Айтъа. Қоплот жасми.

## Ўзингизни синаб кўринг!

### ФУТБОЛ - ТЕСТ

они бўлган терма жамоа?

А) Франция  
В) Италия  
С) Германия  
Д) Испания

5. Италия терма жамоасида энг кўп майдонга тушган футболчи?

А) Роберто Баджо  
В) Дино Зофф  
С) Паоло Россси  
Д) Жан Луиджи Буффон

6. «Европанинг сўнги 50 йилдаги энг кучли футболчиси» сўгнома-си голиби?

А) Франк Беккенбауэр  
В) Йохан Кройфф

С) Зайниддин Зидан  
Д) Дэвид Бекхэм

7. «Милан» таркибида ўйнаётган Дания терма жамоаси ҳужумчиси?

А) Томас Рёлл Ларсен  
В) Томас Соренсен  
С) Йон Дал Томассон  
Д) Йеспер Гронкяер

8. «Бавария» жамоаси таркибида тўп сураётган голландиялик ҳужумчи?

А) Рой Макай  
В) Рууд Ван Нистелрой  
С) Роммедал  
Д) Кожман

1. Россия Футбол Федерацияси президенти ким?  
А) Андрей Червиченко  
В) Вячеслав Колосков  
С) Олег Романцев  
Д) Виктор Гусев

2. Бразилия Футбол Конфедерацияси ташкил топган сана?  
А) 1914 йил  
В) 1905 йил  
С) 1920 йил  
Д) 1915 йил

3. Биринчи Европа чемпионати голиби?  
А) Англия  
В) Испания  
С) Германия  
Д) Соёик СССР

4. Италияда ўтган 1990- йил жаҳон чемпи...

**ISHONCH**

Муассис:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихисев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва зълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 22.10

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.